

ТАСДИҚЛАЙМАН
Ўзбекистон Республикаси
“Ўзархив” агентлиги
Жамоатчилик кенгаши раиси



А.Х. Зиё

2022 йил 22 апрель

Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги хузуридаги архив иши
масалалари бўйича Жамоатчилик кенгаши йиғилишининг
2-сон баёни

Раислик қилувчи:

А. Х. Зиё

-Ўзбекистон Фанлар академияси, Тарих
институти директори, “Ўзархив”
агентлиги Жамоатчилик кенгаши раиси

Қатнашдилар:

-Жамоатчилик кенгаши аъзолари (рўйхат
бўйича)

Таклиф этилганлар:

У. Юсупов

-“Ўзархив” агентлиги директори,

Ш. Садиқов

-“Ўзархив” агентлиги директори
ўринбосари

Ўзбекистон миллий архивлари директорлари, Қорақалпоғистон
Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши бошқармалари
бошлиқлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда бошқа нодавлат, ноижорат
ташкилотлари вакиллари

КУН ТАРТИБИ

**I. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлигининг 2022 йил
биринчи чорагида архив соҳасини ривожлантириш яқунлари ҳақида;**

**II. Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида 2022 йил
биринчи чорагида амалга оширилган ишлар тўғрисида**

Кун тартибидаги масалалар бўйича берилган маълумотлар ва
билдирилган фикр-мулоҳазалар муҳокамаси асосида қарор қилинди:

**I. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлигининг 2022 йил
биринчи чорагида архив соҳасини ривожлантириш яқунлари ҳақида**

(*А. Х. Зиё, У. Юсупов, А.Х. Зиё, Д. Закирова, У. Юсупов, Ш. Садиқов, Х. Исаев, А.
Алиев*)

1. 2022 йил I чорагида архивларга **111 135 та ижтимоий-ҳуқуқий мазмундаги сўровлар**, шундан, давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали **62 466 та**, почта ва электрон почта орқали **19 794 та**, **28 875 нафар** фуқаро бевосита архивга мурожаат этганлиги,

Агентлик тизимида Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди электрон шаклини яратиш ишлари жадаллаштирилишига эришилганлиги, бунда алоҳида қимматли ҳужжатларни қоғоз асосдаги **33 минг 222 сақлов бирлиги**, **4 млн 455 минг 679 кадр**, **кино 55 сақлов бирлиги**, **сурат 6488 ҳисоб бирлиги**, **овозли 90 сақлов бирлиги** ҳужжатларининг электрон нусхалари яратилганлиги;

республика архивлари томонидан кўрсатилган хизматларнинг умумий ҳажми **6,715 млрд. сўмни** ташкил этганлиги, шундан **давлат архивларида 4,606 млрд. сўм**, **шахсий таркиб ҳужжатлари давлат архивларида эса 2,109 млрд сўмни** ташкил этганлиги;

маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ҳамда давлат тили қонунчилиги ижросини таъминлашга қаратилган устувор вазифалар белгиланганлиги қайд этилиб, жами **121 та** тадбир ўтказилганлиги;

Ўзбекистон ва Исроил пойтахтларида “Ўзархив” агентлиги, Ўзбекистон тарихи Давлат музейи ва Республика яҳудийлар миллий маданий маркази томонидан “**Ўзбекистонда яҳудийлар ҳаёти: тарихий даврлар кесимида**” мавзусидаги кўرғазма ва илмий семинар ва давра суҳбати ташкил этилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан ўтказилган 2021 йил ўрганиш якунлари кўра Агентликнинг “Очиқлик индекси” бўйича кўрсаткич миқдори ва баҳоси Агентликлар ичида **77,74 бал билан 2 ўринда** эканлиги;

2022 йил 1 чорак давомида жами **16 та** матбуот тадбирлари, **8 та** матбуот анжумани, **2 та** пресс-тур, **6 та** брифинг ўтказилиб онлайн эфирга узатилганлиги, тадбирлар якунидан сўнг бир соат ичида “Ўзархив” агентлигининг “Facebook”, “Telegram”, “Instagram”, “Twitter” ижтимоий тармоқларидаги саҳифаларида жойлаштирилганлиги;

Ахборот хизмати томонидан 2022 йил I чорак давомида ижтимоий тармоқларда **25 та** онлайн эфирлар ташкил этилганлиги, шунингдек, **35 та** инфографика ва **153 та** фото, **12 та** аудио ҳамда **82 та** видео материаллар намоиш этилганлиги;

Ижтимоий тармоқлардаги Агентликнинг расмий саҳифаларида обуначилар сони **13 752 нафарни**, материалларни кўриш ўртача **39 000 та** ижтимоий тармоқ аъзосини ташкил этаётганлиги **маълумот учун қабул қилинсин.**

2. “Ўзархив” агентлигининг 2022 йилга белгиланган Асосий иш режаси юзасидан 2022 йил биринчи чорагида амалга оширилган ишлар бўйича “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари Ш. Садиковнинг ҳисоботи **ахборот учун қабул қилинсин.**

3. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари Ш. Садиковга 2022 йилга белгиланган Агентликнинг Асосий иш режасида белгиланган

вазифаларнинг изчил амалга оширилиши ҳамда давлат органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисидаги қонунчилик талаблари асосида унинг ижроси кенг жамоатчиликка етказиб борилишини таъминлаш тавсия этилсин.

4. Жамоатчилик кенгаши аъзолари Агентлик иш режасида белгиланган вазифаларни ўз вақтида ижросини таъминланишини жамоатчилик назорати шаклида кўриб бориш тавсия этилсин.

II. Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида 2022 йил биринчи чорагида амалга оширилган ишлар тўғрисида

(А. Х. Зиё, У. Юсупов, А. Маманазаров, Б. Абдушукуров, С. Бобоқулов... У. Юсупов)

5. 2022 йил I чорагида Архив иши соҳасида амалга оширилган ишлар ҳамда соҳада маънавий маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ҳақида Жамоатчилик кенгашида **Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё** вилоятлари архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқларининг ҳисоботлари **ахборот учун қабул қилинсин.**

6. Самарқанд (А. Маманазаров), Сурхондарё (Б. Абдушукуров), Қашқадарё (С. Бобоқулов) вилоятлари архив ишини ривожлантиришда самарали натижаларга эришишнинг кўшимча чора-тадбирларини белгиласинлар.


7. Жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари Ш. Турсунбаев 2022 йилга белгиланган иш режасининг ўз вақтида бажирилиши бўйича ҳар чорақда Агентликка ва Кенгашга маълумот бериб борсин.

9. Жамоатчилик кенгаши Ишчи органи (А. Алиев) Агентлик ҳамда Жамоатчилик кенгашининг фаолияти очиклигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларни кенг ёритсин ҳамда Агентликнинг матбуот анжуманларига Жамоатчилик кенгаши аъзоларини таклиф этиб бориш тавсия этилсин.

10. Ўзбекистон Миллий архивлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари фаолиятнинг очиклигини таъминлаш юзасидан белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини, олиб борилаётган ишларни жамоатчиликка етказишнинг кўшимча чораларини кўриб бориш;

фаолиятнинг очиклигини таъминлаш, фуқаролар мурожаатлари билан ишлашда “Инсон-жамият-давлат” тамойили асосида фаолиятни йўлга қўйиш, архив ҳужжатларидан фойдаланишда давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш тавсия этилсин.

Кенгаш котиби
Ш. Турсунбаев



**“Ўзархив” агентлиги ҳузуридаги архив иши масалалари бўйича
Жамоатчилик кенгаши аъзолари рўйхати.**

1. **Азамат Зиё** Фанлар академияси Тарих институти директори, тарих фанлари доктори, профессор Жамоатчилик кенгаши раиси
2. **Шухрат Мирайимович Турсунбоев** “Ўзархив” агентлиги директорининг давлат тили бўйича маслаҳатчиси Жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари-Кенгаш котиби
3. **Анваржон Орифжонович Алиев** “Ўзархив” агентлиги директорининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси Жамоатчилик кенгаши Ишчи органи раҳбари
4. **Абдурасул Махмудович Яхшибоев** Ўзбекистон Миллий архиви бўлим мудир Кенгаш аъзоси
5. **Анваржон Акрамжонович Абдумухторов** Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Кенгаш аъзоси
6. **Зулайхо Абдураззаковна Акрамова** Қонунчилик палатаси депутати Кенгаш аъзоси
7. **Акмал Жумакул ўғли Амиров** Ташқи ишлар вазирлиги архив мудир Кенгаш аъзоси
8. **Муаззамхон Хурсановна Умарова** Маҳалла ва оилани қўллабқувватлаш вазирлиги бош мутахассиси Кенгаш аъзоси
9. **Нодира Баходиржановна Каримова** Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси девони бўлим мудир Кенгаш аъзоси
10. **Лола Шавкатовна Арифжанова** Вазирлар Маҳкамаси идоравий архив мудир Кенгаш аъзоси
11. **Зумрад Байхуразовна Раҳманкулова** Ўзбекистон Миллий университети доценти, тарих фанлари номзоди Кенгаш аъзоси
12. **Озода Раҳматжоновна Жаҳонова** Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти кадрлар бошқармаси инспектори Кенгаш аъзоси
13. **Умида Алимджановна Тешабаева** А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори Кенгаш аъзоси
14. **Улбосин Абдуахатовна Абдумаликова** “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори маслаҳатчиси Кенгаш аъзоси
15. **Гулнора Адашевна Тўраева** Ўзбекистон Республикаси ИИВ ахборот маркази махсус фондлар бўлими бошлиғи Кенгаш аъзоси
16. **Наргис Қосимова** Журналист, блогер Кенгаш аъзоси
17. **Шавкат Туробович Раҳматуллаев** “Тарихчилар жамияти” нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбарининг ўринбосари Кенгаш аъзоси
18. **Мақаддас Дўстматов** Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамоат фонди ижрочи директори Кенгаш аъзоси
19. **Даврон Фатхуллаевич Файзуллаев** “Шахидлар хотираси” жамоат фонди вакили-Қатагон қурбонлари музейи архив ва фонд бўлими бошлиғи Кенгаш аъзоси
20. **Нодира Махмудовна Мусаева** Ўзбекистон Фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллабқувватлаш жамоат бирлашмаси шаклидаги “Нуроний” жамғармаси бўлим бошлиғи Кенгаш аъзоси
21. **Мухайё Сирожидановна Исакова** Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти Бош илмий ходими, Ўзбекистон Миллий архиви катта илмий ходими Кенгаш аъзоси

